

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2023 йил учун Монополияга  
қарши комплаенс ҳақидаги  
ҲИСОБОТИ**

**I. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги**

1. Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тартибини белгиловчи ички низом ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг 2023 йил 16 январдаги 36-Н-сонли буйруғининг 1-иловаси билан ички низом тасдиқланган.*

2. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг 2023 йил 16 январдаги 36-Н-сонли буйруғининг 2-иловаси билан ички “Йўл харита” тасдиқланган.*

3. Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги:

*Мазкур соҳага оид мурожаатларни қабул қилиш мақсадида Call-марказ (71 237-99-98) фаолияти йўлга қўйилган.*

4. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот сифатли ва ўз вақтида тақдим этилганлиги ва расмий веб-сайтга жойлаштирилганлиги:

*Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот Рақобат қўмитасига белгиланган вақтда тақдим этилди ва ташиқлотнинг расмий веб сайтыга жойлаштирилди.*

**II. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги**

5. Фаолиятга тегишли материалларни ўрганиш натижасида (шу жумладан, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказишда) аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси:

*Ҳисобот даврида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолиятига тегишли материалларни ўрганиш давомида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.*

6. Аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоралар:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолиятида рақобатни чеклашни олдини олиш ҳамда харид қилиш бўйича ишларни тўғри ташкиллаштириш мақсадида 2021 йил 23 июлда жамиятнинг ““Ўзбекистон темир йўллари” АЖ эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 755-Н-сонли буйруғи қабул қилинган.*

7. Фаолият давомида олди олинган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолияти давомида рақобатни чеклаш билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш мақсадида жамият раҳбарлари ва тегишли бошқармалар иштирокида йиғилиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш амалга ошириб келинмоқда.*

8. Ташкилот фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллардан бири яъни, харид қилиш жараёнида товарнинг техник шартини айнан бир корхона учун ишлаб чиқиш ва ортиқча талаблар қўйилиши устидан доимий назорат ўрнатилган.*

9. Қабул қилинадиган ички ҳужжатларнинг лойиҳалари ўрганилганлиги, бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, уни мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда 2023 йил давомида рақобатни чеклайдиган ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинмаган.*

10. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2023 йил 27 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли Қарорининг ижросини тадбиқ қилиш тўғрисида”ги 836-Н-сонли буйруғи ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари, муассасалари ва ташкилотларининг харидлар тизимини тартибга солиш ва қўшимча даромадларни кўпайтириш тўғрисида”ги 845-Н-сонли буйруғи қабул қилинган.*

11. Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган.*

### **III. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари**

12. Ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланганлиги, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг 2023 йил 19 сентябрдаги 2-НК-сонли буйруғига асосан монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс тасдиқланган.*

13. Ташкилот раҳбарлари томонидан ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилганлиги:

*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарлари томонидан йил давомида жамият фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги юзасидан мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.*

### **IV. Ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги**

14. Ҳисобот йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги:

*2023 йил давомида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари юзасидан билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган жами 1 та давра суҳбати ва ўқув семинарлари ташкил этилди.*

15. Ташкилот ходимларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, кўлланмалар мавжудлиги:

*Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган монополияга қарши комплаенс тизимини самарали ташкил этиш ва мазкур тизим фаолияти учун масъул бўлган ходимларининг соҳага оид билимларини ошириш мақсадида тақдимот материаллари тайёрланди ва жамият таркибидаги барча корхона ва ташкилотларга етказилди.*